



## THEORETICAL AND LEGAL ASPECTS OF RECOVERY OF CRIMINAL ASSETS

**Tolibova Zarrina Tolibovna**

Senior Prosecutor of International Legal Department  
of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14049308>

### ARTICLE INFO

Received: 31<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 06<sup>th</sup> November 2024  
Online: 07<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

*Criminal assets, grounds for return of criminal assets from foreign jurisdiction, recognition and enforcement of foreign judgments, asset confiscation.*

### ABSTRACT

*The article is devoted to the analysis of theoretical and legal aspects of the return of criminal assets. In particular, the concept of criminal assets is defined, and the provisions of international documents and national legal norms on the recovery of criminal assets from foreign jurisdictions are analyzed. Based on the analysis, scientifically substantiated proposals for improving national criminal procedure legislation in this area have been developed.*

## ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ВОЗВРАТА ПРЕСТУПНЫХ АКТИВОВ

**Толибова Заррина Толиб кизи**

Старший прокурор. Международно-правового управления  
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14049308>

### ARTICLE INFO

Received: 31<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 06<sup>th</sup> November 2024  
Online: 07<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

*Преступные активы, основания для возврата преступных активов из иностранной юрисдикции, признание и исполнение иностранных судебных решений, конфискация активов.*

### ABSTRACT

*Данная статья посвящена анализу теоретических и правовых аспектов возврата преступных активов. В частности, дано определение понятию преступных активов, а также представлен анализ положений международных документов и национальных правовых норм о возврате преступных активов из иностранных юрисдикций. На основе анализа разработан ряд научно обоснованных предложений по совершенствованию национального уголовно-процессуального законодательства в этой сфере.*

## ЖИНОЙ АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Толибова Заррина Толиб кизи**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Халқаро-ҳуқуқий бошқарма катта прокурори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14049308>



## ARTICLE INFO

Received: 31<sup>th</sup> October 2024  
Accepted: 06<sup>th</sup> November 2024  
Online: 07<sup>th</sup> November 2024

## KEYWORDS

*Жиноий активлар, жиноий активлари хорижий юрисдикциядан қайтариш асослари, хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш, активларни мусодара қилиш.*

## ABSTRACT

*Мазкур мақола жиноий активларни қайтаришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлиliga бағишланган. Хусусан, жиноий активлар тушунчасига таъриф берилган, ҳамда жиноий активларни хорижий юрисдикциядан қайтаришга доир халқаро ҳужжатлар қоидалари ва миллий қонунчили нормалари таҳлили баён этилган. Таҳлил асосида соҳага доир миллий жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга доир бир қатор илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Бугунги кунда замонавий глобаллашув жараёнлари таъсири остида давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб, кучайиб бормоқда. Айнан ушбу жараёнлар, бугунги кунда соҳаларни ривожлантириш тенденцияси, мазмун-моҳиятига, ёндашув ва услубларига жиддий таъсир кўрсатаётган куч сифатида намоён булмоқда.

Шу билан бирга, мазкур жараёнларнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатлари ҳам юзага келмоқда, ва бу инсоният олдига кутилмаган янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда.

Хусусан, бугунги кунда жиноят олами тобора кенгайиб бормоқда, битта мамлакат, минтақа сарҳади билан чекланиб қолмаяпти, балки замонавий коммуникация ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда бутун дунё ҳамжамияти миқёсида кенг қулоч ёзмоқда. Хусусан, жиноятчилар жиноят содир этишнинг асосий мақсад ва омилларидан бўлган жиноий активларни хорижий юрисдикцияларда яширириш тенденцияси тобора ошиб бормоқда.

Жумладан, БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бошқармаси маълумотида ривожланаётган мамлакатлар ҳар йили порахўрлик, маблағларни ўзлаштириш ва бошқа коррупцион амалиётлар туфайли 20 дан 40 миллиард АҚШ долларигача йўқотишади. Коррупциядан тушган даромаднинг катта қисми хорижий юрисдикцияларда легаллаштиради, жаҳон молия марказларида “хавфсиз бошпана” топади<sup>1</sup>.

Ушбу маблағларнинг аксарият қисмини уюшган жиноятлар, шу жумладан коррупциявий ва бошқа иқтисодий жиноятлар натижасида олинган даромадлар ташкил этади. Уларни легаллаштиришнинг асосий усуллари кўчар ва кўчмас мулк сотиб олиш, бошқа молиявий воситаларга инвестициялар киритиш, шунингдек хорижий банклардаги ҳисобварақларга жойлаштириш ҳисобланади. Жиноий активларнинг катта қисми оффшорлар, яъни имтиёзли солиқ режимини ифодаловчи, шунингдек мулкни сотиб олиш манбасини яшириш қобилиятига эга ҳудудларда сақланади.

<sup>1</sup> Asset Recovery Handbook A Guide for Practitioners.// Jean-Pierre Brun Larissa Gray Clive Scott Kevin M. Stephenson// 2011 The International Bank for Reconstruction and Development. Washington DC- p.12 (270)



Машхур ёзувчи Д.Девис ўзининг “Nest of Vipers” (“Илонлар уяси”) асаридатаъкидлашича, “талон-торож қилинган маблағларни ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, топиш қийин, баъзан эса имконсиздир. Бу маблағлар халқаро молия тизимига киради, деярли бир зумдабир мамлакатдан иккинчисига ўтади, изларини йўқотиш мақсадларида, келиб чиқиши электрон операциялар ораси йўқолади, улар ҳисобрақамдан ҳисоб рақамига ўтказилади, яширилади, кичик миқдорларга бўлинади, ечиб олинади ва излари яширилади”<sup>2</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясини 5-боби жинойий активларни қайтариш учун кенг қамровли ва инновацион асосларни тақдим этади.

Конвенциянинг жинойий активларни қайтаришга доир нормаларининг амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида 2007 йилда Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бошқармаси томонидан Ўғирланган активларни қайтариш (СТАР) ташаббуси ишга туширилган.

СТАР фаолияти ривожланаётган мамлакатлар ҳамда молиявий марказлар билан ҳамкорлик қилиш орқали, “салоҳият ва имкониятларни кенгайтириш”, “ҳамкорлик”, “инновациялар” ва “халқаро станлартлар” каби 4 асосий йўналишдаги комплекс чора-тадбирлар орқали коррупциявий жиноятлардан олинган активларнинг легаллаштирилишини олдини олиш ҳамда уларнинг ўз вақтида келиб чиқиш мамлакатига қайтаришга кўмаклашишга қаратилган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо кўпгина мамлакатлар давлатлари томонидан жинойий активларни қайтаришга доир норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилган, муайян ҳуқуқни қўллаш амалиёти яратилган. Ижобий халқаро ҳамкорлик билан амалга оширилган бир қатор муваффақиятли ишлар жинойий активларни қайтариб олиш мумкинлигини яққол намоён этди. Хусусан, СТАР томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 1997 йилда бугунги кунга қадар 563 жиноят иши доирасида жами 16,5 миллиард АҚШ доллари хатланган, музлатилган бўлиб, шундан 10 миллиард АҚШ долларидадан ортиқ жинойий активлар ўзи мансуб юрисдикцияга қайтарилган<sup>3</sup>. Бу эса ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг нечоғлик долзарб эканлигини яна бир бор намоён этмоқда. Шу билан бир қаторда, бугунги кунда жиноятчилик олами томонидан замонавий ахборот-коммуникация юкриптотуқларидан кенг фойдаланилиши, хусусан, аноним мобил пул ўтказмалари, электрон тўлов воситалари, интернет-банкнинг, криптовалюта, виртуал активлардан кенг фойдаланилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинойий активларни аниқлаш, уларни хатлаш ва мусодара қилиш соҳасидаги фаолиятини янада жадаллаштиришни, унга янгича ёндашувлар ва тартиб-таомилларни жорий этишни, кўпгина муаммоларнинг оқилона ечими тўғрисида халқлар ва давлатлар биргаликда бош қотириши ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириши тақозо этмоқда.

Зеро, В.В.Кудряшов қайд этиганидек, жинойий фаолият ёки коррупциядан келган шубҳали даромад текширилиши тергов жараёнларини бошланишига сабаб бўлади.

<sup>2</sup> Davies L. Nest of Vipers. N. Y., 1995. (15-бет).

<sup>3</sup> <https://star.worldbank.org/asset-recovery-watch-database#disclaimer> сайтида



Тергов коррупцияга оид далилларни йиғади ва бир вақтнинг ўзида коррупциядан келадиган даромадлар ўчоғи изига тушади. Топилган активларни ўз вақтида музлатиш бошқа активларнинг ноқонуний тақсимланиши ёки йўқолиб кетишининг олдини олиш имконини беради. Активларни қайтариш учун суднинг узил-кесил қарори бўлиши ва ушбу жараёнлар жиноий ёки фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан таъминланган бўлиши керак<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасида жиноий активларни аниқлаш, уларни кузатиб бориш, хатлаш, мусодара қилиш ва қайтариш масалларига доир ҳамкорликнинг норматив-хуқуқий асослари шакллантирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳамда Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг аъзоси ҳисобланади<sup>5</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-боби, 51-59 моддалари “Активларни қайтариш бўйича чоралар”га бағишланган. Мазкур бобда жиноий активларни қайтаришнинг асослари белгиланган бўлиб, иштирокчи давлатлардан коррупциядан олинган даромадларни чеклаш, музлатиб қўйиш, мусодара қилиш ва қайтариш чораларини кўришни талаб этади. Бунинг учун улар турли механизмлардан фойдаланишлари мумкин, масалан:

- бошқа иштирокчи давлат суди томонидан чиқарилган музлатиш ёки мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни бевосита ижро этиш;
- жиноят содир этган шахснинг ўлими, қочиб кетиши ёки йўқлиги ёки бошқа асосларга кўра жиноий жавобгарликка тортиш имкони бўлмаганда мулкни мусодара қилиш;
- бошқа иштирокчи давлат томонидан қўзғатилган фуқаролик даъволари, бу томон даъвогар сифатида даромадларни ундириш имконини беради;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки бошқа жиноий йўл билан чет элдан олинган мол-мулкни мусодара қилиш;
- бошқа иштирокчи-давлатга товон ёки зарарни қоплаш тўғрисидаги суд қарорлари ва судлар томонидан бошқа иштирокчи давлатнинг коррупция йўли билан қўлга киритилган активларнинг қонуний эгаси сифатида эътироф этилиши;
- олдиндан сўровсиз бошқа иштирокчи-давлатга ахборотнинг ўз-ўзидан ошкор этилиши; ва
- халқаро ҳамкорлик ва активларни қайтариш.

Жумладан, Конвенциянинг 51-моддасида активларни қайтаришга доир умумий қоидалар белгиланган бўлиб, унга кўра активларнинг қайтарилиши ўз моҳиятига кўра мазкур Конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи Давлатлар

<sup>4</sup> Международно-правовые аспекты поиска и репатриации похищенных активов/В.В.Кудряшов /Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 6, 2017 г. – С.62

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги ЎРҚ-158-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (нью-йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30.08.2003 йилдаги 536-II-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида қарори



ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар<sup>6</sup>.

Коррупцияга қарши кураш конвенциянинг 53, 54 ва 55-моддаларда давлатлар ўртасида мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни тан олиш талаблари ва амалга ошириш механизмлари, 57-моддасида мусодара қилинган мол-мулкни қайтариш ва тасарруф этиш қоидалари белгиланган. Ушбу халқаро ҳужжатнинг 59-моддасида иштирокчи давлатлар жиноий активларни қайтариш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари мустақамланиб қўйилди.

Жиноий активларни қайтаришга доир нормалар шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясида белгиланган. Хусусан, мазкур Конвенцияда “жиноий активлар”ни қайтаришга доир “мулк”, “жиноий даромад”, “хатлаш”, “олиб қўйиш”, “мусодара”нинг тушунчаларига таърифлар берилган. Конвенциянинг 12-моддаси давлатлардан “жиноий активлар” мусодара қилишга рухсат берувчи “ўзларининг ҳуқуқий тизимлари доирасида имкон қадар кенгроқ” чоралар кўришларини талаб қилади. Мазкур халқаро ҳужжатнинг 13-моддасида мусодара қилиш бўйича иш юритишга оид халқаро ҳамкорлик қилиш тартиби ва мажбуриятлари белгиланган, 14-моддада мусодара қилинган мол-мулк тасарруф этиш тартиб-таомиллари кўрсатилган.

Мустақил Ҳамдўстлиги Давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан жиноий активларни қайтариш соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 22.01.1993 й.) ҳамда Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Кишинев, 07.10.2002 й.) самарали қўлланиб келинмоқда.

Ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни самарали амалга оширишда иккитомонлама жиноят ишлари бўйича халқаро шартномалар ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон 26 та давлат билан шундай ҳужжатлар имзолаган ва ушбу йўналишдаги ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноий активларни қайтаришга доир алоҳида нормалар белгиланмаган. Шу билан бирга ушбу соҳадаги муносабатлар ЖПКнинг жиноят ишлари терговишга доир нормалари, шунингдек, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир қоидалар билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 64-бобида “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар” белгиланган бўлиб, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик субъектлари, тартиби, асослари, процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш тўғрисидаги сўровнинг мазмуни ва шакли, унинг ижросини ташкил этиш

<sup>6</sup> [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026\\_E.pdf//](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf//) P.49



масалалари, хорижий давлат ҳудудида олинган далилларнинг юридик кучи, жиноят иши материалларини хорижий давлатнинг ваколатли органига юбориш ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги сўровни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этиш каби масалалар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддасига кўра, ушбу Кодексда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади.

Ўзаролик принципи сўров киритилаётганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда хорижий давлатнинг ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мажбурияти билан тасдиқланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров:

умумий юрисдикция судлари томонидан амалга ошириладиган жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал ҳаракатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали юборилади<sup>7</sup>.

Яъни, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги давлатлараро шартнома мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам, ўзаролик принципини қўллаш орқали жиноий активларни қайтариш соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятини тақдим этган бўлиб, ушбу соҳага доир халқаро сталдартларга тўла мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, жиноий активларни қайтаришга доир айрим масалаларга эътибор қаратиш лозим бўлиб, “жиноий активлар” тушунчасини миллий қонунчиликда баён этилган ифодаси шулар жумласидандир. Соҳага доир халқаро ҳужжатларда жиноий фаолиятдан олинган даромадлар тушунчасини ифодалаш учун “жиноий активлар” термини қўлланилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 2-моддасига кўра, «мол-мулк» деганда ҳар қандай моддий ёки номоддий, кўчмас ва кўчар активлар, буюмлар ёки ҳуқуқлар орқали ифодаланган активлар ҳамда бундай активларга мулк ҳуқуқни ёхуд уларга бўлган қизиқишни исботлайдиган юридик ҳужжатлар ёинки далолатномалар каби ҳар қандай активлар тушунилади. “Жиноий даромадлар” деганда эса бирон жиноятни содир этиш натижасида бевосита ёки

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодекси/Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., ... 03/24/971/0777-сон; 10.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон; 22.10.2024 й., 03/24/978/0835-сон; 28.10.2024 й., 03/24/984/0860-сон.



билвосита, харид қилинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулк назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар — жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк.

Ўзбекистон Республикаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ушбу нормасининг Конвенцияда берилган таъриф билан қиёсий солиштириш асосида қайд этиш мумкинки, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида жиноий даромадларни қўлга киритиш услуги, яъни бевосита ёки билвосита олинганлигига урғу берилмаган бўлиб, ушбу халқаро ҳужжат нормасининг тўлиқ имплементация қилишини таъминлаш мақсадида, юқорида қайд этилган қонунда даромадларнинг бевосита ёки билвосита олиниши мумкинлигига доир қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Шу билан бирга, қўлланилиши доирасига кўра, “жиноий активлар” тушунчаси ва ушбу соҳага доир муносабатлар Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида тартибга солинганлиги боис, мазкур тушунчага бериладиган таъриф айнан Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси доирасида белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, Жиноят-процессуал кодексининг “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар” деб номланган 64-бобида Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жиноий активларни қайтариш соҳасида хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолиятига доир бир қатор қоидалар белгиланган. Шу билан бирга, соҳага доир халқаро ҳужжатларда белгиланган бир қатор, хусусан, хорижий давлатлар суди қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишга доир қоидалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноий даромадларни мусодара қилиш механизмларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жиноий активларни қайтаришга доир халқаро стандартлар ва нормалар ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатлари таҳлили шуни намоён этдики, мураккаб жараён бўлиб, турли давлат ва халқаро институтларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Ушбу институтни муваффақиятли амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурати бўлиб, у халқаро стандартларга мос келиши ва активларни қайтаришнинг аниқ механизмларини таъминлаши шарт.



## References:

1. Asset Recovery Handbook A Guide for Practitioners.// Jean-Pierre Brun Larissa Gray Clive Scott Kevin M. Stephenson// 2011 The International Bank for Reconstruction and Development. Washington DC- p.12 (270)
2. Davies L. Nest of Vipers. N. Y., 1995. (15-бет)
3. <https://star.worldbank.org/asset-recovery-watch-database#disclaimer> сайтида
4. Международно-правовые аспекты поиска и репатриации похищенных активов/В.В.Кудряшов /Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 6, 2017 г. – С.62
5. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги ЎРҚ-158-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (нью-йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30.08.2003 йилдаги 536-II-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида қарори
6. [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026\\_E.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf)// Р.49
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., ... 03/24/971/0777-сон; 10.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон; 22.10.2024 й., 03/24/978/0835-сон; 28.10.2024 й., 03/24/984/0860-сон.